Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 141 (5432).
25 ИЮНЬ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• Қурилиш майдонларида

ПЕШҚАДАМЛАР

«Главташкентстрой» га қарашли «Ташинжстрой» трестининг 10-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Н. Ғаниев бошлиқ хўжалик ҳисобидаги комплекслашган бригада қувур ётқизувчилари «Кам куч билан кўп иш бажарамиз!» шиори остида меҳнат қилиб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб келяпти.

Илғор иш усулларидан кенг фойдаланаётган бригада ишлаб чиқариш ва технология интизомига, иш сифатига алоҳида эътибор беряпти. Бригаданинг барча аъзолари бир неча турдош касбларни пухта эгаллаб олишган. Бу эса ортиқча туриб қолишларга барҳам бериб, меҳнат унумдорлигини юксалтириш имконини беради.

Н. Ғаниев коллективи бошқармада биринчи бўлиб Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига беш йиллик планни бажариш ташаббуси билан чиқди. Ҳозирда пешқадам қувур ётқизувчилар бригадаси Шота Руставели кўчасида смена топшириқларини 105-110 процент адо этиб, юксак марра сари дадил одимлаб боряпти.

Идеология ишлари хроникаси

ИЮНЬ ПЛЕНУМИ КЎРСАТИБ БЕРГАН ЙЎЛДАН

Октябрь район партия комитетида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Компартияси Октябрь район комитетининг биринчи секретари О. С. Расулов «КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари — партия идеологик, оммавий-сиёсий ишларининг узоқ муддатга мўлжалланган программасидир» мавзуида доклад қилди.

Район партия комитетининг партия ўқуви бўйича методик совети раиси, тарих фанлари доктори Ф. Ш. Шарипов эса «КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми — марксча-ленинча таълимнинг сифати ва самарадорлигини ошириш программаси» мавзуида қўшимча доклад қилди. Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг пропагандисти Ш. У. Қосимов таълимнинг актив формалари, меҳнат коллективлари олдида турган конкрет вазифалар билан пропаганданинг алоқасини мустаҳкамлашга унинг таъсирчанлигини тўғрисида гапириб берди. «Матбуот» полиграфия бирлашмаси бош директорининг ўринбосари В. В. Шипунова социалистик мусобақани ривожлантиришда иқтисодий таълимни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тажрибаси ҳақида сўзлади. «Внешторгиздат» пропагандисти С. Е. Хмелидзе партия ўқуви системасида контрпропаганданинг асосий йўналишлари тўғрисида гапирди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1984 йил 23 июнь куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бўлди. Пленумда «Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари асосида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни ташкилий соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Музокараларда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкентдаги Октябрь революцияси номли завод электр слесари Н. М. Железнов, Сариосиё районидаги «Коммунизм» агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Б. Омонов, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Ҳ. Жўрабеков, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. Т. Туропов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Навоий кон-металлургия комбинатининг директори А. А. Петров, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головин, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ашуралиев, Главташкентстройга қарашли 159-қурилиш трести партия комитетининг секретари И. В. Прасолов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Ғиждувон район партия комитетининг биринчи секретари С. Ғаниева, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг ректори С. Ҳ. Сирожиддинов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. А. Шоғазатов, Фарғона тўқимачилик комбинатининг мастери Н. И. Ермолаева, Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси П. Қаюмов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Алламуродов ўртоқлар қатнашдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Е. К. Лигачев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси ўртоқ В. А. Хайдуров Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди.

Ўртоқ В. Г. Кретов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъмурий органлар бўлимининг мудири, ўртоқ З. Ҳайдаров Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар мудири қилиб тасдиқланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ К. Н. Могильниченко, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими секторининг мудири ўртоқ В. И. Смирнов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари В. М. Легостаев ва И. Е. Пономарев ўртоқлар иштирок этдилар.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

Е. К. ЛИГАЧЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев 18—23 июнь кунлари республикамизда бўлди.

У Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаб чиқариш бошлаш, партия ташкилотининг фаоляти билан танишди, ишчилар, инженер-техник ходимлар билан суҳбатлашди, тўқимачиларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари билан танишди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, қувватлардан тўлиқроқ фойдаланиш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини, бригада пудратини жорий этиш, кадрларни тайёрлаш ва уларни мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берди. Умумий овқатланишни, ишлаб чиқаришдаги маиший шароитларни анча яхшилаш, партизанларнинг ёрдамчи хўжалигини ривожлантириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Е. К. Лигачев Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозига борди. Деҳончилигида бригада пудратини жорий этиш, колхозчиларнинг меҳнат ва дам олиши учун яхши шароитларни яратиш соҳасида колхоз партия ташкилотининг, раҳбарларининг фаолиятига юксак талаб берилди.

Район партия комитетида бўлиб ўтган суҳбатда район партия ташкилотининг иш усули ва методларини такомиллаштириш, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш бўйича ишларни кўриб чиқилди.

Е. К. Лигачев республика бўйлаб қилган сафари чоғида Ғалаба шаҳрида бўлиб, тикувчилик ишлари, айниқса, уйга қурилиши қандай давом эттирилаётганлиги билан танишди. Ишлаб сут ташкил этилганлигига ва унинг суръатлари тезлигига эътибор жалб этилди. Партия, совет органларининг раҳбарлари уй-жой фондини ремонт қилиш ва яхши уйларни барпо этиш ишларини шу йил октябрь ойида тугаллаш чораларини кўраётганликларини маълум қилдилар.

Шу куни КПСС Марказий Комитетининг секретари Бухоро шаҳридаги пахта тозалаш заводига борди. Бу ерда ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишда, уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлашда, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда, социалистик мулкни ўғирлашга қарши курашда бошланғич партия ташкилотларининг роли ва масъулиятини кучайтириш тўғрисида гап борди.

Е. К. Лигачев Бухоро область партия комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари билан, район партия комитетларининг биринчи секретарлари билан учрашди. Областни социалиқтисодий ривожлантириш соҳасидаги ютуқлар билан бир қаторда бу ерда халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда, партиявий-сиёсий ишларда, кадрлар масаласини ҳал этишда ҳатоликларга йўл қўйилганлиги қайд этиб ўтилди. Бу ҳол область энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар бўйича, айниқса, пахтачилик ва чорвачиликда орқада қолишига олиб келди. Шу муносабат билан ғоявий-сиёсий, идеология ишини активлаштириш, раҳбар кадрларни тарбиялаш, уларга нисбатан талабчанликни ошириш, қўшиб ёзишларга, кўзбўямачиликка, порахўрликка қарши курашни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Е. К. Лигачев Самарқанд областида Каттақўрғон сув омборининг сув хўжалик комплекси билан танишди.

Самарқанд область партия комитети бюросининг аъзолари билан, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари билан суҳбат ўтказилди. Ишлаб чиқариш қувватларидан, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот сифатини ошириш, шартномадаги мажбуриятларни бажариш, областнинг Озиқ-овқат программасини ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш масалаларига партия ташкилотларининг эътиборини кучайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Капитал қурилишга раҳбарликни тубдан яхшилаш вазифаси қўйилди. Капитал қурилишда ҳали талайгина маблағларни планда кўзда тутилмаган, кўз-кўз қилиш учун қурилаётган объектларга чалғитиш оммалашган, ваҳоланки уй-жойлар, болалар муассасалари, мактаблар, савдо ва маиший хизмат объектларини фойдаланишга топшириш планлари бажарилмаяпти.

Самарқанд область партия комитетининг ҳисоботи юзасидан КПСС Марказий Комитети чиқарган қарор асосида коммунистларнинг авангардлик ролини янада ошириш, салбий ҳолатларга қарши курашга барча коммунистларни, бошланғич партия ташкилотларини активроқ жалб этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Е. К. Лигачев республика бўйлаб қилган сафари вақтида В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасини бориб кўрди, бир қанча савдо корхоналари ва маданият муассасаларида, турар жой районларида, меҳнаткашларнинг квартираларида бўлди.

Е. К. Лигачевнинг сафарида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев унга ҳамроҳлик қилди.

ЁЗГИ ОТПУСКА МАРШРУТЛАРИ БЎЙЛАБ

Ўрта Осиё темир йўлида поездлар қатновининг ёзги жадвалига ўтиш билан қўшимча маршрутлар жорий этилди. Масалан, эндиликда Ленинградгача битта маршрут билан бориш мумкин. У ердан Болтиқ бўйи жуда яқин. Пассажир поездлари Харьковга ҳам қатнайдиган бўлди. Ўз отпускасини Қрим ёки Кавказда ўтказмоқчи бўлган кишилар учун Тошкент—Симферополь поезди анча қулайдир. Пассажирларга енгиллик яратиш мақсадида «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи сингари йирик саноат корхоналарида билетларни сотиш ташкил этилади. (ЎзТАГ).



Коммунистик меҳнат зарбдори Мавлуда Ҳасанова шаҳримиздаги бадиий буюмлар фабрикасида попопчи бўлиб ишлайди. Бу машҳур корхонада тайёрланаётган ранг-баранг чойшаблар, зардеворларнинг юқори сифатли бўлишида бу моҳир попопчининг муносиб ҳиссаси бор. Мавлуда корхонада Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига бошланган соцмусобақада фаол иштирок этиб смена топшириқларини 120—130 процентга етказиб ада этяпти.

СУРАТДА: моҳир попопчи Мавлуда Ҳасанова. М. Нуриддинов фотоси.

ҚУЛУПНАЙ МУРАББОСИ

Область матлубот жамиятининг хўжалик ҳисобида ишловчи Оржоникидзе районидаги консерва цехи мевалардан дастлабки ҳосилни қайта ишлаб шаҳарликларга жўнатмоқда.

Оржоникидзе районидаги колхоз-совхозлардан, аҳолидан олинган қулупнай ҳосилидан қисқа вақт ичида 20 минг банка қулупнай мураббоси тайёрланди. Ҳозирги кунда карам ҳосилидан мариновка қилиниб, буюртма бўйича жўнатиляпти.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи йилида коллектив 700 минг банка мева шарбати, компот, мураббо ҳамда сабзавот консервалари тайёрлашга бел боглаган. Бу кўзда тутилганидан 300 минг банка кўп демакдир.

И. РУСТАМОВ.

Бир корхона янгиликлари

ИНТИЗОМ ШАРОФАТИ

БУГУН

СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Леонид Недорезов бошлиқ бригадасининг йил бошидан бери тежаган материали 3 минг 600 сўмликдан ошиб кетди. Л. Недорезов — меҳнат унумдорлигини янада ўстириш, маҳсулот таннархини камайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва интизомни мустаҳкамлаш бўйича хайрли ҳаракат билан майдонга чиққан тўққиз ташаббускорнинг биридаир.

Л. Недорезовнинг бригадаси корхонанинг мураккаб участкаси — шестерняларга ишлов берадиган цехида меҳнат қилади. Коллектив эришилган ютуқлар билан чекланмаслик, қўлга киритилган муваффақиятларни ривожлантириш, шунингдек ички резервлардан унумли фойдаланиш учун курашмоқда. Мазкур бригада меҳнат унумдорлигини белгиланганга нисбатан 1,8 процент ошириш, сарф нормаси, иқтисод тартиби ва тежамкорликни кучайтириш эвазига юбилей йилида 7 минг 200 сўмлик материал ва кесувчи жиҳозларни тежашга аҳд қилган.

БОЛАЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН

Бирлашмада халқ эҳтиёжини қондираётган харидоргир маҳсулотлар ҳам кенг миқёсда ишлаб чиқарилмоқда. Кейинги йилда бу ерда тўрт хил янги маҳсулотнинг оммавий равишда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Болаларга мўлжалланган кресло-аргимчоқ, теплицаларда фойдаланиладиган мосламалар, асалари қутиларини ташишда қўл келадиган енгил аравалар шулар жумласидандир.

Яқинда бу ерда яна бир маҳсулот муваффақият билан тайёрлана бошланди. Бу — болаларга мўлжалланган йиғма каравот бўлиб, йил охиригача салкам 200 минг сўмлик ана шундай маҳсулот тайёрланади. Корхона коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли юбилейи йилида 3 миллион 600 минг сўмликдан зиёд кенг истеъмол моллари тайёрлашга аҳд қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилдагидан 1,5 миллион сўмлик кўпдир.

ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ КЎРИГИ

Тошкент шаҳри ва пойтахт областининг маданият саройлари ва клубларида ҳаваскорлик театр коллективларининг ижодий ҳисоботлари ўтмоқда. Унда Тошкент трактор заводининг маданият саройидаги «Биз — тракторсозлар м и з», «Коммунальник» клубининг «Бўстон» ёшлар эксперимент студияси, «Средазкабель» бирлашмаси маданият саройининг театр труппаси каби халқ театрлари ва агитбригадалари қатнашмоқда.

Чирчиқдаги Ўзбекистон ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар комбинати маданият саройининг «Металлург» агитацион-бадиий бригадаси ўз программасида жонажон Ватанимизнинг тарқиб топиши ва унинг гуллаб-яшнаши, республикамизнинг босиб ўтган шонли йўли ҳақида сермазмун ҳикоя қилмоқда.

Тошкент электротехника заводининг клубида намойиш этилаётган «Қизил уйқуда» спектакли кенг мазмунга эга. У ёшларга қаратилган бўлиб, ер куррасидаги барча мамлакатларнинг ёшларини тинчликка чақиради. Барча жанрларни қамраб олган ҳаваскорлик ижодиёти кўриги областнинг ҳамма шаҳарларида қизғин ўтмоқда.

ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

Кеча Москвада фахрли соврин— футбол бўйича СССР Кубогининг ҳал қилувчи финал учрашувида Москванинг «Динамо» ва Ленинграднинг «Зенит» командалари ўзаро куч синашдилар. Ўйин чинакам Кубок учрашувларига хос муросасиз кураш вазиятида ўтди. Асосий вақтда ҳисоб очилмади. Қўшимча вақтда динамочилар рақиблари дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллаб, фахрли совринни қўлга киритдилар.

* * *

Футбол бўйича 47-СССР чемпионатининг навбатдаги тур учрашувларида ҳамшаҳарларимиз — «Пахтакор» футболчилари Одессада маҳаллий «Черноморец» командаси билан куч синашдилар. Ҳар икки команданинг барча ҳаракатларига қарамай ўйинда ҳисоб очилгани йўқ — 0:0.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Динамо» (Киев) —«Спартак» —0:3, «Кайрат»— «Шахтёр» — 2:1, МАСК— «Днепр» —0:0, «Торпедо» —«Металлист» —2:2, «Динамо» (Минск) —«Нефтчи»—1:1, «Жальгирис» — «Арарат» — 1:1.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Пойтахтимиз троллейбус парклари «ЗИУ — 9» маркали 20 та янги троллейбус билан кўпайди. Бу машиналар шаҳарнинг энг гавжум маршрутларига қўйилади. Энгельс шаҳридаги Урицкий номли троллейбус заводи шаҳримизга бундай троллейбуслардан яна 40 тасини етказиб беради. Чехословакия троллейбуссозлари ҳам республикамиз юбилейига муносиб совға ҳозирлашяпти. Бу «Шкода— 14 ДР» маркали 10 та троллейбусдир.

●

Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасида «Ўзэлектромонтаж» трести мутахассисларининг бригада пудрати асосида ишлашнинг истиқболига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Маълумки, бу трест коллективи амалга ошираётган ишларнинг 67 процентини бригада пудрати асосида меҳнат қилаётган коллективлар бажаряпти.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 30 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутли, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18—23, кундуз 37—39 даража иссиқ бўлади.

ПРАВДА САҲИФАЛАРИДА

● Ўртоқ К. У. Черненконинг Москва шаҳрида тўпланган Европа биохимиклар жамиятлари федерациясининг XVI конференцияси қатнашчилари ва меҳмонларга йўллаган табриклари эълон қилинган.

● Мозамбик Халқ Республикаси мустақил деб эълон қилинган куннинг тўққиз йиллиғи муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Фрелимо партиясининг Раиси, Мозамбик Халқ Республикаси Президенти Самора Мойзес Машелга йўллаган табрик телеграммалари берилган.

● «Олтин халқа» томони — газетанинг Байкал-Амур магистрали қурилишига бағишланган бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари берилган.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Чжао Цзияннинг Европа сафари

ХХР Давлат кенгашининг бош министри Чжао Цзиян яқинда Франция, Бельгия, Швейцария ва Европа иқтисодий ҳамжамияти қароргоҳига қилган расмий визитини тугаллади.

Икки ҳафтадан кўпроқ давом этган бу сафарнинг мақсадларидан бири ривожланган капиталистик мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни, янги техника ва технологияни сотиб олишни йўлга қўйиш ва кенгайтиришдан иборат эди. Хитой ҳукумати бошлиғининг ана шу мамлакатлар раҳбарлари билан музокараларида Хитойнинг «очиқ эшиклар» сиёсати доирасида Хитой экономикасига чет эл капиталини кенгроқ жалб этиш масалаларига каттагина ўрин берилди. ХХР Давлат кенгашининг бош министри шу муносабат билан «очиқ эшиклар» сиёсати ўзгармаслиги ва узоқ муддатли ҳарактерга эга эканлигини, чет эл савдо-саноат корхоналарига фойдали шартномалар тузиш имкониятларини ўрганганлигини таъкидлади.

Ғарб матбуоти Чжао Цзиян Франция ва Италияда ҳарбий техниканинг айрим турларини сотиб олиш ва Хитой қуролли кучларининг «техникавий қолоқлиги»га барҳам бериш мақсадида қурол-яроғларни биргаликда ишлаб чиқариш тўғрисида шартнома тузиш имкониятларини ўрганганигини таъкидлади.

Музокаралар вақтида ва ўз нутқларида Чжао Цзиян сиёсий масалаларга жиддий эътибор берди. У, жумладан, Хитой раҳбарлиги тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашдан, қуролсизланишдан манфаатдордир, деб ишонтирмоқчи бўлди. Айни вақтда у халқаро аҳвол кескинлашиб кетганлиги учун жавобгарликни СССР ва АҚШ зиммасига баб-баравар юклашга уринди. Бунда у кескинлик авж олиб кетганлигига агрессив урушқоқлик йўлини ўтказаётган ҳамда Европада ва умуман бутун дунёда ҳарбий-сиёсий мувозанатни бузишга интилаётган АҚШ айбдор эканлиги тўғрисида лом-мим демасликни маъқул кўрди. Хитой раҳбари аслида Ғарбий Европада Америкаканинг дастлабки зарба уришга мўлжалланган ядро қуроли жойлаштирилишини қўллаб-қувватлаб, гўё «бир ўта буюк давлатнинг ҳарбий устунлиги хавф солаётганлиги сабабли НАТО мамлакатларининг бу қадамларини «тушуниб турганлигини» таъкидлади. Чет эл сиёсий кузатувчилари Чжао Цзиян Совет Иттифоқининг қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядровий қуролсизланиш, ер юзида тинчликни сақлашга қаратилган муҳим амалий ташаббусларини бирон марта ҳам эслатиб ўтмаганлигига эътиборни жалб этмоқдалар.

Чжао Цзиян Хитой раҳбарлиги Хитой—Совет муносабатларини яхшилаш истагида эканлигини билдирди. Айни вақтда у ана шу муносабатларни нормаллаштириш йўлида «учта катта тўсиқ» борлиги тўғрисидаги Хитойнинг маълум важларини яна такрорлади.

Хитой бош министри Осиё проблемаларини, шу жумладан Кампучия ва Афғонистон теварагидаги аҳволни муҳокама қилиш вақтида Хитойнинг маълум позициясини баён этиб, афғон ва Кампучия акслинқилобчиларига бериладиган ёрдамни кучайтиришга даъват этди.

М. ЯКОВЛЕВ,
ТАСС шарҳчиси.

КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга!

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА

Тошкентлик қурувчилар Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 60 йиллигига қадар меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ўстириш, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент камайтириш ва булар ҳисобига меҳнат унумдорлиги беш йиллик топшириғини бажариш ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар. Шу кунларда кўплаб бригадалар «Тўққизлар ташаббуси» асосида ишламоқда. Чунончи, «Главташкентстрой»нинг 153-трестига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Холхўжа Баҳодиров бошлиқ бригадаси бу ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб ишламоқда.

Ташаббуснинг қанотлари бор, дейишади. Бу эзгу ният бир зумда қурилиш бўлинмаларидан бўйлаб тарқалди. Қаҳрамоннинг бригадаси иккиланиб ўтирмади. Шартта ташаббусга қўшилди. Чунки бригада доимо илғорлар сафида келяпти. Бу имкониятлар борлигини кўрсатади, албатта. Бригадирнинг ўзи эса ишга талабчан. Коллектив аъзоларидан ҳам шуни талаб қилади. Уларга масъулият билан ишлаш ҳиссини сингдириб юборган. Мана 40 йилдирки, лойни лой, чангни чанг демай, қурилиш майдонини кезади, одамларга қувонч бағишлаб, турли биноларни, янгидан-янги замонавий уйларни бунёд этади.

...Қурувчи бўлиш ишқи унинг мурғак қалбига тушган эди. Шунинг учун ҳам ҳеч иккиланмай бунёдкор касбини танлади. Тезда кўзга ташланди. Меҳнатсевар, тиришқоқ, жонкуяр йигитни ҳамма севиб қолди. Кўп ўтмай уни ўзларига етакчи қилиб сайлашди. Бригадир бўлганига ҳам яқинда 30 йил бўлди. Кўпга бош бўлиш осонмас. Ҳамманинг кўнглини топа билиш керак. Ишбилармон Холхўжа Баҳодиров эса буни қойиллатиб ўрнига қўяди. У мураббий сифатида ҳам кўпга танилган. Чунки ўзи 1945 йилнинг Ғалаба кунида 15 ёшида қурувчилик меҳнат фаолиятини бошлаган эди. Шунинг учун ҳам ёшларнинг бошини силайди, уларга йўл-йўриқлар кўрсатади, насиҳат қилади, қурувчилик касбининг сир-асрорларини қунт билан ўргатади. Ўз устида ишлайди, бошқаларни касб маҳоратини оширишга чорлайди. Кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида энг муҳими — кишилар билан ишлашни ўрганиб олди. Уларга эътиборли ва ғамхўр бўлди. Бригаданинг қарийб ярим аъзоси Баҳодиров мактабини ўтаган. Уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда техникум ва институтларни тугатиб олишди. Ҳолхўжа аканинг уч ўғли ҳам ота изидан бориб, юксак малакали ғишт терувчи ва шофёр бўлишди.

Бригаданинг муваффақияти кўпинча бригадирнинг ишни нечоғлик ташкил эта билишига боғлиқдир. У ҳар бир қурилиш объектини ипидан игнасигача яхши билади. Ишни бригада аъзоларига оқилона тақсимлайди. Бундан ташқари қурилиш лойиҳаси, лойиҳа ҳужжатлари билан танишиб чиқади. Қурилиш муддатини қисқартириш, иш таннархини арзонлаштириш устида ўйлайди. Энг масъулиятли участкаларни тажрибали қурувчиларга топширади. Бригаданинг ҳар бир аъзоси бир неча касбни эгаллаб олган. Ҳар қандай оғир шароитда ҳам улар бир-бирининг ўрнини бемалол эгаллайди. Шунинг учун ҳам жамоатда шиори зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятни шараф билан уддалашдан, республикамизнинг олтин тўйини ёруғ юз билан кутиб олишдан иборатдир.

С. ҲАСАНОВА.



МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР

Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 60 йиллик шонли юбилейини меҳнатда юксак кўрсаткичлар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқда. Бу ерда юбилей шарафига илғорлар ҳаракати кенг қулоч ёйган. Тўқимачилар меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини эса 0,5 процент камайтириш учун курашишмоқда.

Корхонанинг 1-ип фабрикаси коллективи эришаётган ютуқлар, айниқса қувончли бўлмоқда. Бу ерда ўнлаб меҳнат илғорлари юбилей шарафига йиллик план-топшириқларини бажариш мажбуриятини билан тер тўкмоқда. Фабрика коллективи ўтган беш ойлик топшириқини муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлди.

СУРАТДА: корхонанинг илғор ўровчиси Холис Усмонова ўзига бириктирилган план-топшириқларини 115—120 процентдан бажарнб, ҳамкасбларига ўрнак бўляпти.

В. Сироткин фотоси.

ЖАСОРАТГА — 40 ЙИЛ

СОЛДАТЛИК ШАВКАТИ

БУГУН

гвардиячи оддий жангчи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Юрий Смирнов вафот этганига 40 йил тўлди. Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 71-ўрта мактаб пионер дружиналаридан бири қаҳрамон комсомолнинг номи билан аталади.



Мактабдаги жанговар ва меҳнат шуҳрати музейида уруш қаҳрамонига бағишланган бурчак бор. Пионерлар хонасида эса комсомол жангчининг ҳаётига оид материаллар йиғилган. Бу ерга ўқувчилар тез-тез келиб туришади. Улар 19 ёшида фашистлар томонидан вахшийларча ўлдирилган қаҳрамоннинг ҳаётига оид материаллар билан таништадилар.

Юрий Волгага қуйиладиган Унжа дарёси соҳилидаги Макарьев шаҳрида туғилган, шу ерда ўқиган, 17 ёшида электр пайвандчилик курсини битириб, ишга кирган. У ўз касбини жуда севар эди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттиришни хоҳларди. Лекин бу унга насиб этмади. Ёш бўлишига қарамасдан Ватанни фашистлардан озод қилиш учун жангга отланди. У халққа, Ватанга виждондан хизмат қилди.

...Орша шаҳри яқинида немислар мудофаасини ёриб ўтган 79-ўқчи полк жангчилари ялангоч, қўл ва оёқларидан тахтага михлаб ташланган жасадни топишди. Унинг миясига ҳам иккита мих қоқилган эди. Жангчи-комсомол шунда ҳам қарбий сирни айтмади.

Полк командири Юрий Смирновни ҳукумат мукофотига тақдим этиш ҳақидаги тавсиясига шундай деб ёзган эди: «Смирнов зўр иродаси, жасорати билан жангни муваффақиятли якунлашга шароит яратди. Айни пайтда энг юксак солдатлик шавкати намунасини кўрсатди».

Халқ ўз қаҳрамонларини ҳеч қачон унутмайди. Кўчалар, мактаблар, пионер дружиналарига Ю. Смирновнинг номи берилган. Унинг номи билан аталган 71-ўрта мактабдаги пионерлар дружинаси бугун қаҳрамоннинг хотираси учун тантанали линейкага туради. Ёш ленинчилар ўз ҳаётини аямасдан, ватан ёш авлодини ёш авлодини турмуш учун ... ган отабобо... жангговар ... давом эттир... ёд қилади... тинч куриш... да шижоати... ри билан ... ратини ... киладилар.

Мактаб ... физика-математика ... лари доктори ... нов, медицина ... кандидати Т. ... юридик фанлар... дати Ф. ... билан ... фахрланади. ... ҳаётга кўзини ... билим даргоҳи... ган. Ўқувчи... моли Юрий ... номидаги дружи... си бўлишган.

Расми I бет... чизган.

ТАРТИБ НАЗОРАТЧИЛАРИ

«Ташкенткабель» заводининг аҳоли яшайдиган массивидаги маҳаллалардан бирида ёш ишчилардан бир группасига дружиначилар гувоҳномаларини беришга бағишланган байрам кечаси бўлди. Жамоатчилик, ички ишлар район бошқармасининг вакиллари йигитларни табриклади-лар. Ана шу тантана қатнашчилари шарафига бадиий ҳаваскорлик коллективи концерт қўйиб берди.

Кўнгилли халқ дружинасининг бошлиғи, слесарь, Халқлар Дўстлиги ордени нишондори Александр Алексеевич Дородноев ҳам жамоат тартибини сақловчи бошқа инспекторлар билан бирга ана шу байрамга келди. Ўзи бошчилик қилаётган дружина сафлари узлуксиз кўпайиб бораётганлигидан ветеран мамнун. Заводга туташиб кетган кўчаларнинг тинч-осойишталигини қўриқлаш учун энди кўлларида қизил боғичлари бўлган юзлаб активлар навбатма-навбат кўчага чиқадилар. Александр Алексеевич дружинага ўн олти йил раҳбарлик қилиш вақтида ишдаги кўпгина ўртоқларини ана шу муҳим ишга жалб этди. Ёш шофёр, комсомол аъзоси Тоҳир Убайдуллаев ўн беш йил муқаддам биринчи марта ўз навбатчилигига чиқди. У ўтган вақт давомида ўз мураббийси А. Дородноёвдан кўп нарсаларни ўрганди. Аввало тартибни бузишнинг ҳар қандай ҳолларига нисбатан муросасизлик, мураккаб вазиятларда сабот-матонатли бўлишни ўрганди. Масалан, Тоҳир ва ўртоқларининг дадил ҳаракатлари туфайли жамоат автомашинасини ҳайдаб кетиш йўлидаги уриниш-нинг ўз вақтида пайи қирқилди. А. Дородноевнинг собиқ ёрдамчилари, дружина ветеранлари, ишчилардан Д. Шестаков, В. Асафов, Ш. Тўрахонов, А. Убайдуллаев ва бошқалар ўзларини яхши тутмаган кўпгина ёшларни қайта тарбияладилар.

Лекин бу ерда дружиначилар безорилик кўринишларига қарши курашиш билангина банд бўлаётганлари йўқ. Бундай ҳоллар йил сайин камайиб бормоқда. Улар ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга асосий эътибор бермоқдалар. Бу ерда шонли саналарни биргаликда нишонлаш, тўйлар ўтказиш, байрам вазиятида ёшларга паспортлар топшириш анъана тусини олган.

(ЎзТАГ).

САМАРАЛИ МЕҲНАТ

Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида «Красноводскточная» депосининг коллективи пландан ташқари трамвайлар билан 310, троллейбуслар билан 180 минг йўловчига намунали хизмат кўрсатиш, 60 минг киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилиш мажбуриятини олган.

Шу ўринда 13-трамвай маршрутининг самарали меҳнати эътиборга сазовор. Бу маршрутда ҳар куни 18 та қўш прицепли вагон йўловчилар манзилини яқин қилади. В. Архипова, Л. Айтмуҳамедова, В. Баранцов, В. Султонов, А. Муровский йўловчилар ташишни ташкил этишнинг замонавий усулидан фойдаланмоқдалар.

Илғор маршрут коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига планга қўшимча 150 минг йўловчига намунали хизмат кўрсатиш мажбуриятини олди.

Бу ажойиб ташаббус трамвай-троллей б у с ишлаб чиқариш бошқармаси ҳайдовчилари орасида кенг қулоч ёзмоқда.

Ҳаракатдаги составларни ремонт қилиш цехининг Қардош Алимбоев, Алексей Долгих, Семён Бойбулатов, Иван Феликс сингари коммунистлари трамвайларни сифатли ремонт қилишнинг замонавий технологик усулларидан тўлиқ фойдаланмоқдалар. Бу ремонт сифатини такомиллаштириш билан бирга ишлаб чиқариш планларининг ортиғи билан бажарилишига имконият яратяпти.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

● *«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин*

«ПАРИШОНЛИК НИҚОБИ ОСТИДА»

Газетанинг шу йил 30 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида фельетон босилган бўлиб, унда «Ташхлеторг» магазинларидаги нуқсонлар танқид қилинган эди. Мақолага жавоб олинди.

Шаҳар ихтисослаштирилган «Ташхлеторг» бошқармаси директори Ғ. Йўлдошевдан олинган жавобда айтилишича, 62/22, 87, 56-магазинларда юз берган камчиликлар бошқармада муҳокама этилди. Ишда хатога йўл қўйган сотувчилар ва магазин мудирлари бошқарма бўйича чақирилган буйруқ билан жазоландилар.

Чунончи, 62/22-магазин мудири М. Нурмуҳамедова олти ойлик муҳлат билан ўз вазифасидан пасайтирилди. Савдо қоидасини қўпол равишда бузганлиги учун шу магазин сотувчиси С. Каппазарова ишдан бўшатилди ва техникум директори Ҳ. Ҳасанов прокуратурага ариза ёзди. Суд ишни устидан назорат қилиш органлари, айрим ходимлар пештахталарни бўшатиб, савдо-сотиқ ишларини магазин мудирларига топширди. Бундан ташқари, 87-магазин кассир-контролёри Р. Ахмедова ҳам жавобгарликка тортилди.

МЕНЮДА ЎЗГАРИШ БЎЛМАДИ

ёки икки йил олдин «Шикоят дафтарини беринг!..» мақоласида кўтарилган мавзуга қайтиш

Ушбу кўнгилсиз мавзуга қайтишга тўғри келади, деб ўйламаган эдик. 1982 йил 7 июлда босилган «Шикоят дафтарини беринг!.. ёки бегча болаларининг нонини тул қилаётганлар ҳақида» мақоласида ғоят жиддий, газетхонларнинг мақола юзасидан билдирган фикрларида таъкидланганидек, ғоят долзарб муаммо — мактабгача болалар муассасаларидаги овқатнинг сифати ва ранг-баранглиги масаласи кўтарилган эди. Зероки, аҳолининг барча турдаги озиқ-овқатлар билан таъминланиши, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши, овқатланиш структурасининг яхшиланиши — КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленумида қабул қилинган Озиқ-овқат программасининг бош вазифаларидир. Болалар таомлари сифатининг янада яхшиланишига, болалар учун мўлжалланган маҳсулотлар турларининг кенгайтирилишига нақадар катта аҳамият берилаётганини таъкидлаш шарт эмасдир. Бу ҳақда мактаб ислоҳига бағишланган ҳужжатларда яна бир бор айтиб ўтилди. Ахир болалар — бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг истиқболи, энг биринчи қувончимиз ва умидимиз.

Шу боисдан ана шу мавзудаги мақоланинг босилиши газетхонларнинг зўр акс-садосига сабаб бўлди. Ишчилар ва олимлардан, педагоглар ва бинокорлардан, пенсионерлардан... хатлар олинди. Улар қатор мактабгача болалар муассасаларининг ёмон ишлаётганлиги тўғрисида мақолада келтирилган фактлардан чин маънода ғазабланиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашдилар, бу ишни яхшилаш йўлларини таклиф этдилар.

Биз мактабгача болалар муассасаларида овқатланиш сифатига бевосита жавоб берувчи ташкилотлардан; халқ маорифи Бош бошқармасидан, унинг бошлиғи Ҳ. Йўлдошевдан расмий жавоблар ҳам олдик. У ерда мақолани бир-икки кун ўтар-ўтмас муҳокама қилиб, худди шундай реактив тезлик билан жавоб қайтаришди (шу ўринда: сўз билан амалий иш ўртасида қанча масофа бор, деган савол туғилади?). «Ташгосснабторг» дирекциясидан, эндиликда унинг собиқ директори Р. Алимовадан ҳам жавоб олинди. Ҳозир у Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаяпти — танқиднинг таъсирига қаранг; юқори вазифага кўтаришибди!

Ана шу ташкилотлардаги мутасаддн ўртоқлар масъулият билан: айбдорлар жазоланди, назорат кучайтирилди, тадбирлар ишлаб чиқилди ва ҳоказо, ва ҳоказо деб ишонтиришган эди. Бир овоздан: «Ўртоқ ота-оналар, ташвишланманг, яқин келажакда аҳвол тубдан яхшиланади» қабилида ваъда беришганди.

Биз ота-оналар эса ташвишдамиз. Чунки бола бола-да. Масъул амални ва холаларнинг нишонтиришларига қарамай (қуйида «Шикоят дафтарини беринг!» мақоласидан цитата келтирамиз), болаларни алдаш осон, «Нонуштага боғча болаларига чиғириғон олма, чошгоҳда ачиган сут бериш, болага аталган сариёғнинг бир қисмини ўмариш, ҳар пачка печенье-нинг ярмини уриб қолиш, хуллас боланинг нонини туя қилиш... мумкин. Бола — болалигича боради. Ошпазлик сирларини билмайди, берганингни еб кетаверади. Нари борса афтини бурштириб «бемаза экан» деб қўя қолади. Бироқ, бировга мазали туюлган нарса, бошқа бировга бемаза туюлиши мумкин, деб қутилиб кетиш ҳеч гапмас. Айниқса болалар боғчасида...»

Бу гаплар икки йил аввалги гаплар, ҳозир бундай эмас, деб ўйлайсизми? Биз ота-оналар мнинг афсус билан айтамизки, ўзгариш йўқ. Бир ҳафта бурун ўтказилган янги текшириш пайтида аниқланишича масъул амални ва холаларнинг ваъдалари пуч ёнғоқ экан.

Текшириш материалларини қайта-қайта кўздан кечириб, батафсил ёзилган справкаларни синчиклаб ўқиб, икки йил илгаригидек Тошкентдаги болалар боғчаларининг раҳбарларидан: Ҳозир йилнинг қайси фасли?— деб сўрагимиз келади. Ёз!— деб жавоб беради ҳар қандай бола. У буни аниқ билади. Чунки, сахий июнь қуёшн нур сочиб турибди, мириқиб чўмилиш, ялангоёқ югуриш мумкин — ҳеч ким қаршилик қилмайди. Ёз келганини ота-онаси ҳар куни унн уйда хуштаъм қулупнай ва гилос, асалдек шафтоли билан сийлагани учун ҳам биладн. Помидор ва бодрингдаги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Фарзандимиз боғчадан қайтгач, дала ва боғ неъматларига иштаҳа билан ёпишади. Биз хурсанд бўлиб: кун бўйи югурдинг, очиққансан, ейвер, ош бўлсин — деймиз. Ваҳоланки, қувонш ўрнига ташвишланиш ва жиддий ўйлаб кўриш даркор. Чунки, у бу нарсаларни болалар боғчасида кўрмайди. Мана, Тошкент шаҳри бош контролер-ревизорининг справкасидан сатрлар:

«Ташгосснабторг»нинг майда-улгуржи (мактабгача болалар муассасаларини маҳсулот билан таъминловчи) магазинларига 1984 йил мева ҳосили етарли миқдорда келтирилмаяпти. Чунончи, 18 июнга қадар 13-магазинга фақат олма, 16-магазинга фақат олхўри ва нок, 17-магазинга олма келтирилган. 11, 12, 14, 15-магазинларга эса 1984 йил мева ҳосилидан мутлақо келтирилмаган...»

Мана сизга болангизнинг югургилаб юрганн.

Республика Молия министрлиги Контроль-ревизия бошқармасининг Бош контролер-ревизори аппарати ходимлари ва газета мухбирларидан иборат обрўли комиссия «Ташгосснабторг»нинг майда-улгуржи саб-завот магазинларини синчиклаб текширди. Икки йил илгари биз ҳиқоя қилгандан ҳам ғаройиб манзара намоён бўлди. Чунончи, 14-магазин (мудири М. Умарова)да майиз бор. У комиссия ўз справкасида нўр-сатиб ўтганидек «товар кўринишини йўқотган». Тўғри гап, лекин юмшоқ айтилган. Бошқача қилиб айтганда, майиз солинган қутилар тартибсиз уйиб ташланган, айрим бузуқ қутилардаги маҳсулот нфлос полга сочилиб ётибди... Парнинда етиштирилган бодринг бу магазиннинг витринасига кўрк бўлиб турибди, ваҳоланки, тошкентликларнинг дастурхонида аллақачон далада етилган бодрингларни кўриш мумкин. Бу ерда эса парникники ҳам фақат витринада. Омборда эса ном-нишони йўқ. Бунинг эвазига ўтган йилги картошка уюми бор. Фарзандларимизга раво кўрилгани шу бўлса керак?!

Текширилган магазинларда янги помидор умуман йўқ экан. Биз уларда на қулупнай, на гилосни кўрдик, биз кўрган олмалар сифатн шундайки, компотдан бошқага ярамайди. Пиёз, сабзи, бодринг, лавлаги борлигига омборда хирмон қилиб уюлган чиринди-ларга қараб аранг ишонса бўлади. «Госснабторг» магазинларн болалар муассасаларини консерваланган маҳсулотлар билан ҳам сийлаётгани йўқ. 13-магазин (мудири Р. Шербинина) витринасига наъматак ва мандарин шарбатли банкаларни қўйишни бежиз «унутишмаган». Пештахта нўтара олмасмиш. Ваҳоланки, улар омборда тиқилиб ётибди.

Текшириш қатнашчиларининг тасаввурича, «Ташгосснабторг» магазинларининг омборларида ҳозир қаҳратон қиш ҳукмрон. Торг раҳбарлари Андерсен эртагидаги бечора қизчаден фаромуш бўлмай нима қилишсин — бунаңа пайтда бойчечакни, айтмоқчи гилосни қаёқдан олишсин? Фаромуш бўлишдаки, бор айбни таъминотчиларга агдаришади; улар маҳсулот етказиб беришн барбод этишаётганмиш. Шундай бўлса икки йил олдин жавоб берган масъул ўртоқ — «Ташгосснабторг» директорининг ваъдасига қандай қараш керак. Мана ўша сўзлар:

«Чакана савдо магазинларига ўз вақтида мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида марказлашган усулда товарлар етказиб бериш юзасидан буюртмалар қабул қилишни амалга ошириш тақлиф этилди. Таъминотчилардан олинадиган мева-сабзавот маҳсулотларининг турлари ва сифати устидан назорат кучайтирилди. Бевосита Тошкент об. ластн хўжаликларидан сабзавот ва мевалар етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилди...

Тўғри, ҳамма нарса жойида бўлиши ҳақида редакцияга узундан-узоқ жавоб ёзиш қийин эмас. Ваъдага вафо қилиш қийинроқ. Гап ваъдада ҳам эмас. Гап хизмат бурчини қандай бажаришда.

Комиссиянинг аниқлашича, бир қатор мактабгача болалар муассасаларида «ишнинг ташкил этилиши» болалар боғчаларини маҳсулот билан таъминловчи магазинлар фаолиятига монанд. Бирн зарур нарсани етказиб бермайди, бошқаси олган озгина нарсасидан ҳам уриб қолиш йўлини топади.

«Текширишда аниқландики, — дейнлади комиссия справкасида, — 471-болалар боғчасида (мудири Ф. Умарова, бош ошпази А. Добровольская) бир килограмм пишлоқ, икки банка компот «тежаб» қолинган. Улар пана жойга яшириб қўйилган». Уша куни омборда бир неча ўн банка мариновка қилинган бодринг ва помидор, қийма солинган гармдори бор эди. Улар қаёндан пайдо бўлган? Нима учун уларни болалар таомларига ўз вақтида қўшиб бершмаган?

425-болалар боғчаси (мудири Р. Егай) омборида 1982 йил декабрда олинган 60 килограмм повидло ва 22 литр сабзи шарбати бор эди. Нима ҳам дердик, бу ердагилар маҳсулот сақлашни билишар экан. Ҳар ҳолда бир нуқтада бир кун асқотади, дейишса керак. 468-болалар боғчаси (мудири Ф. Содиқова)да 19 июнь куни 388 бола бор эди. Бироқ, менюга кўра нечим овқатга 450 та тухум ажратилган. Эҳтиёт шарт учун бўлса керак, 235-болалар боғчаси (мудири Д. Абдураҳмонова)да ҳам шунга ўхшаш йўл тутишилпти. 235 бола учун 250 кишининг ҳиссасини ажратишилпти. Табиийки, ортганн омборга қайтарилмайди. Комиссия шундай манзаранн 519-болалар боғчаси (мудири О. Лигская)да ҳам аниқлади.

Кўплаб нуқсонларни аниқлайверіб комиссия аъзолари-дан тер чиқиб кетди. Ҳа, кун иссиқ эди. Шу сабабли навбатдаги болалар муассасаси — 181-боғчага келганида текшн. рувчилар бир неча минут ҳузур-ҳаловатда бўлишди — мудир М. Алимуҳамедованинг кабинети ўта салқин бўлиб, кондиционер гуриллаб ишлаб турарди. Чиққинмиз келмасди, лекин начора, ишлаш керак... Ошхонага кўз ташладик — бу ерда холодильник ишламасди. Жазирама кундаги аҳволни қаранг! Бу болалар муассасаси раҳбари учун шахсий ҳузур-ҳаловат болалар овқатланиши тўғрисидаги ташвишдан муҳимроқ бўлса керак. 19 июнь кунига ажратилган 1 килограмм 300 грамм сариёғ омбордан олинмаганнни шу билан изоҳлаш мумкин. Агар ошхонада тарозн бўлмаса, бу сариёғни нимада тортиш мумкин?..

Агар болалар менюда нималар борлигини билишганда эди,.. 19 июнь куни тушликка қатиқ ва қаймоқ ўрнига пондло суртилган нон берилганн учун 287-болалар боғчаси мудири М. Мифтахутдиновага нима деб жавоб қилишган бўларди?!

Ҳа, бола — болалигича бордн. Боланинг қалби пок: кўзига бақрайиб турнб уни лақиллатаётган катта ёшдагиларнинг бундай хатти-ҳаракатларини тушунишга ёшлик қиладн.

Ёш авлод нишоиб топширилган кишилар ҳақида алоҳида гапириб ўтиш керак. Текширнш пайтида маълум бўлдики, болалар тарбнясн билан шуғулланаётган, уларнинг ишнши учун жавобгар чнкнинг танланиши, жойлаштирилиши эътиборга кўйилмаган. Кўпгина раҳбарлари малнят туйғуси, болалар психологиясидан ташкил этилган. Ғафлат ва масъулиятсизлик, Ахир ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб, ҳар бир ишчига ... ни шеърий ... этилган. Ға... кидаги ада... ишриётида...

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятлари ҳамда Ўзбекистон ССР Молия министрлигининг шаҳрн бўйнча контроль-ревизия бошқармасининг мухбирлари (рейдда контроль-ревизия бошқармасининг мухбирлари, контролёр-ревизорлар; жами 11 киши иштирок этди).

Фотоайбнома





● Ташкилотлардан бирининг вакили В. Лифт иккланнб турибди: 14-магазин таклиф этаётган ўтган йилги картошкани олсинми-олмасинми!

● 468-болалар боғчасига марҳамат қилиб, ана шунақа сабзини кўришингиз мумкин.

● Сиз кўриб турган манзарага текширш қатнашчилари 287-болалар боғчасида дуч келишдн.

Т. Каримов фотолари.





Адабиёт ва санъат

• Назм дафтаридан • Ўзбек романлари вьетнам тилида • Кўргазма залларида • Янги рисола.

Адабиётлар дўстлиги—халқлар дўстлиги

Ижодий ҳамкорлик самаралари

Совет ва вьетнам халқларининг ўзаро дўстлик алоқалари йил сайин кенгайиб бормоқда. Деярли барча йирик совет ёзувчиларининг асарлари вьетнам тилига таржима қилинган. Айни пайтда вьетнам халқ оғзаки ижоди, замонавий ва классик ёзувчилари асарлари билан совет китобхонларини таништиришда ҳам анча иш қилинди.

Кейинги йилларда Вьетнам таржимонлари Совет Ўзбекистони адабиётига ҳам катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Буни шу нарса билан изоҳлаш мумкинки, Вьетнам халқи ҳам ҳудди Ўзбекистонда бўлгани каби капитализмни четлаб ўтиб, социализм қурилишини амалга оширмоқда. Шунинг учун ҳам эндиликда Вьетнам халқи олдида турган жуда кўп проблемаларни ҳал этишда, янги жамият қуришда ўзбек халқи босиб ўтган шонли йўл тажрибалари айниқса қўл келмоқда.

Вьетнам китобхонлари орасида бошқа совет ёзувчилари қатори Абдулла Қаҳҳор асарлари ҳам катта шуҳрат қозонган. Адибнинг «Шоҳи сўзана» комедияси, «Синчалак» қиссаси вьетнам тилига таржима қилинган. Вьетнам китобхонларининг ўзбек ёзувчиси асарларига қизиқишини шундан ҳам билиш мумкинки, салкам йигирма йил ичида «Синчалак» қиссаси тўрт марта нашр этилди.

1973— 1978 йилларда нашр этилган Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар», Жонрид Абдуллаховнинг «Тўфон» романлари ҳам бошқа асарлар каби вьетнам китобхонлари томонидан яхши кутиб олинди. Бу асарларни ўқиган китобхонларимиз ўзбек халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги қаҳрамонлари, социалистик қурилишда эришган ютуқлари билан танишдилар.

Ёзувчи Сарвар Азимовнинг адабиётшуносликкa оид мақолалари, Зулфия ва Эркин Воҳидовнинг шеърлари ҳам турли адабий журналларимизда эълон қилинган. Ўзбек ёзувчиларининг асарлари билан танишиш Совет Ўзбекистонига қизиқишни янада кучайтирди. Кўпгина вьетнам ёзувчилари Ўзбекистон ҳаёти билан яқиндан танишишга муваффақ бўлишган. Ана шу таассурот асосида вьетнам ёзувчиларининг Ўзбекистон ҳақидаги очерк ва ҳикоялари, кундаликлари вужудга келди. Бир қатор шоирларимиз ҳам ўзларининг ранг-баранг шеърларида бугунги Ўзбекистонни катта ҳаяжон билан мадҳ этишган.

Уз навбатида ўзбек адиблари ҳам вьетнам ёзувчилари асарларини таржима қилишга катта аҳамият беришмоқда. Тошкентда «Вьетнам эртаклари», «Вьетнам шоирлари» тўпламлари, Нам Каонинг «Нигорон» номли билан нашр этилган ҳикоялар ва қиссалар тўплами, Нгуен Динь Тхининг «Ўт ичида» қиссаси ва «Жар ёқасида» романи, Буй Дик Аянинг «Ҳижрон» романи, Дик Ланнинг «Шаллақи хотин» ҳикоялар тўплами ва «Ким Донг жасорати» номли болалар учун мўлжалланган китоблари ўзбек тилида нашр этилганлиги фикримиз далилидир.


Ўзбек ва вьетнам ёзувчиларининг адабий алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Бундай ижодий алоқалар халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга, жаҳонда тинчликни қарор топтиришга беқиёс ҳисса қўшишни шак-шубҳасиздир.

Ле Винь КУОК,
филология фанлари кандидати.

* * *

СУРАТЛАРДА: ўзбек ёзувчиларининг вьетнам тилида нашр этилган китоблари.










Шеърият оқшоми

ХОНГУЛ

Терминзлик бир дўстимнинг айвони деворига Хонгул деган Бухоро буғусининг калла суяги осиб қўйилган «Пайғамбар оролидан топдим, бўрилар ғажиб кетган экан», деди у...



Хонгулим, жон гулим, қани кўзларинг!!
Қани лабларингу эрка нозинг!..
Заҳмали, аянчли, о, азизларим,
Кўрдим гўзалликнинг калла суягин.

У, мўъжаз ўрмоннинг этакларида
Кўрган не кўзларин этган эди лол.
Энди бурун катакларида
Овчи чумолилар изғир бемалол.

Рақҳоса эди у тирик чоғида,
Шамоллар — муғанний, дарахтлар — ғижжак.
Чақмоқ шохларининг оралиғида
Энди ни қўйибди чевар ўргимчак.

Хонгулим, жон гулим, жонингга жондош
Дарахтлар оралаб учганинг недир!
Сайёдлар дастидан қочиб, ўрмондош
Бўрилар қўлига тушганинг недир!

Бир оз пешонангда тук қолибди, о,
Сен гўё тирикдан, елдай елурсан.
Тонгни шохларингда кўтариб гўё,
Тунларининг қаъридан чиқиб келурсан!

Пайғамбар ороли — менинг юрагим,
Бўрилар еб кетар оҳуларимни!
Бағримга санчилар баъзан суягн
Ўлган кийикларнинг — туйғуларимнинг.

Хонгулим, жон гулим, аҳволим ёмон:
Қаршимда чинқирар кўзлар косаси —
Сени ғажиб кетди бўрилар, аммо...
Аммо топиб келди кисон боласи.

У, калла суякдан қон юқин артди,
Айвон деворига осди урнинб.
Токи тирикликнинг вақшийликларн
Одамзот кўзига турсин кўринмб!

ЛАЗГИ

Матназар АБДУЛҲАКИМОВга

Сиялар титрай бошлайди,
Кўй чиқади авжига
Ва жон кира бошлайди
Бармоқларим учига.

Панжаларим тирилар,
Бураладн билагим.
Елкаларим қалтираб,
Титрай бошлар... юрагим.

Сезяпман, мана, мен,
Жисмим аро жон кезар.
Оҳон, оҳон, оҳон-эй,
Томирмда қон кезар.

Рақс этаман гулдираб,
Жўш урадн ғайратим!
Сўнгра тирнла бошлар
Секин-секин... ҳайратим:

Кўй янграркан нечун, о,
Титраб кифти — тоғларн,
Чиқмас Паҳлавон Маҳмуд
Сағанаин ағдариб!!

Куй титраркан, заптнда
Титрар экан ҳаётим,
Титраб-титраб чиқмасмн
Ухлаётган Қнётим!

Куй янграркан, садолар
Ер қаърнга сингмасмн! —
Суякларн қисирлаб
Абу Райҳон чиқмасмн!

Гурганжнинг бнр кирпичн
Узра озод тўлғонib,
Бнр рақсга тушмасмн
Жалолиддин тупорн!

Лазги, лазги, лазгижон,
Омон, омон, омон-эй.
Огаҳнйнинг тирилиб
Чиқмаган ёмон-эй!

Чиқмасалар гар улар
Дил мулкнни тўлдирib,
Лазгижон, менн қайта
Кўя қолгнн ўлдирib!

АТИРГУЛ

Гуллар оқшом чоғида
Уйга толар эммшлар.
Кўёш ботган тарафга
Қараб қолар эммшлар.

Сўнг барчаси субҳидам
Сал нйманиб, нозланиб,
Қуёшнн кутар эмиш
Шарқ томонга юзланиб.

Фақатгина атиргул,
Соғнинч доғлаб кўксини,
Қуёшн кетган йўлдан
Олмас эмиш кўзини.

Терс томондан кун чиққач,
Тўлиб шабнам — кўзёшга,
Ҳайрату араз билан
Қайрилармиш қуёшга.

...Мен бир — сафар одами,
Йўлда кечар ҳаётим.
Гулим, дилда ёнадн
Бир нлтижо, бнр додим.

Бу дунёда йўл кўпдир.
Гулим, умрим — ҳаёлдан:
Гоҳн жанубга ботиб,
Чиқадирман шимолдан.

Атиргулим—севгилим,
Мен қайларда елмайин,
Кетиб қайси кўчадан,
Қайси йўлдан келмайин,

Кўзларнгним қадаб қол
Қуёш янглиғ диллмга,
Келгунимча қараб қол
Жўнаб кетган йўлимга!..

Мирза КЕНЖАБОЕВ.

● Мирза Кенжабоев — СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси. «Мактубларим», «Қуёшга қараган уй» номли шеърий китоблари нашр этилган. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида ишлайди.

● *Маданият хабарлари*

Юбилейга бағишлаб

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб пойтахт меҳнат коллективларида таниқли шоир ва ёзувчилар, композиторлар билан ижодий учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Яқинда шундай учрашувлардан бири В. И. Ленин номли республика пионер ва ўқувчилар саройида ўтказилди. Ёзни кўнгилли ўтказаётган пионер ва ўқувчилар ҳузурига композиторлар А. Берлин ва А. Мансуровлар меҳмон бўлиб боришди. Кечада композиторларнинг болалар учун ёзган мусиқа асарлари, ранг-баранг қўшиқлари ижро этилди. Композиторлар пионер ва ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

«Электроаппар а т » заводи меҳнатчилари ҳузурида эса Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, композитор Дилором Сайдаминованинг ижодий кечаси бўлди. Бу ерга Ўзбекистон телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети бадиий коллективлари ҳам меҳмон бўлиб боришди. Учрашувда композиторнинг эстрада ва замонавий куй-қўшиқлари ижро этилди.

БУГУН

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида композитор Нодим Норхўжаевнинг авторлик кечаси бўлади. Меҳнат коллективлари ҳузуридаги бундай ижодий кечалар ўтган 60 йил мобайнида ўзбек музика санъати эришган ютуқлар ҳақида қизиқарли ҳикоя бўлмоқда.

САНЪАТКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Пойтахтнинг Фрунзе районидаги Абдулла Авлоний номли маҳаллада республикамизнинг 60 йиллик юбилейига бағишлаб Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театри санъаткорлари билан учрашув бўлди. Маҳалла клубига уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, нуроний отахон ва онахонлар, томошабинлар тўпланишди.

Маҳалла аҳли ҳузурига СССР халқ артистлари Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов, Икрома Болтаева, Ядра Абдуллаева, республикада хизмат кўрсатган артистлар Тўти Юсупова, Обид Юнусов ва бошқа санъат усталари меҳмон бўлиб боришди. Учрашувда театр санъаткорлари билан мароқли суҳбат бўлди. Улар республикамизда театр санъатининг тараққиёти, Ҳамза театрининг босиб ўтган катта ижодий йўли, шу кунларда яратилаётган янги саҳна асарлари ҳақида гапириб беришди

Учрашув охирида театр репертуаридаги «Инқилоб тонги», «Шошма Қуёш», «Абу Али ибн Сино», «Ғариблар», «Нодирабегим» ва бошқа спектакллардан парчалар намойиш этилди.

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ


МОНУМЕНТАЛЧИ РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи биносида монументалчи рассомлар А. Кедрин ва В. Ган асарлари кўргазмаси намойиш этиляпти. Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Кедрин яратган монументаль асарларнинг кўпчилиги В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройи, Сочидаги «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, республикамизнинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларидаги меъморчилик иншоотларини безаб турибди. Рассом яратган ранг-баранг мавзудаги асарларда ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари, республикамиз табиати, ўсимликлар дунёси, гулларн ўз аксини топган. Рассомнинг Алишер Навоий асарларига ишлаган монументал композицнялари ҳам томошабинларга манзур бўлмоқда. Бу асарларнинг кўпчилиги Тошкентдаги халқ амалий санъати музейи залларини безаб турибди.

Рассом В. Ган ижодига мансуб мозаик паннолар ҳам томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Унинг Тошкентнинг ноёб меъморчилик комплекслари, маданият саройлари ва клубларига ишлаган интерьерлари айниқса диққатга сазовордир. Шу кунларда рассом Тошкент метросининг «Космонавтлар проспекти» станцияси ер ости қасрига ҳам ранг-баранг мозаик паннолар ишламоқда. Унда космосни ўзлаштириш тарихига оид композиция ўз аксини топади.

Яқинда кўргазма залида монументалчи рассомлар асарларининг муҳокамаси бўлиб ўтди. Таниқли рассомлар, санъат мухлислари кўргазмадан олган таассуротлари билан ўртоқлашдилар.





СУРАТЛАРДА: А. Кедрининг «Кулол» деб номланган манзара асари; В. Ган ойна ва сополдан ишлаган «Скрипка» композицияси.

ЯНГИ ТЕЛЕФИЛЬМЛАР

«Ўзбектелеф и л ь м» студияси ижодкорлари меҳнат қаҳрамонларини мадҳ этувчи янги телефильмлар яратмоқда. Яқинда режиссёр Шуҳрат Бизоатов «Ҳунар эмас, тақдир бу» деб номланган телефильмни суратга олиб бўлди. Картина Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси чевар-ларининг шарафли ишлари ҳақида ҳикоя қилади.

«Мисгар», «Зардўзлик», «Тамарахоним», «Куз келганда», «Регистон узра қуйлар» каби қатор фильм-концерт ва ҳужжатли картиналар яратган Ш. Бизоатов ушбу лентасида ҳам томошабинларни корхона ҳаёти билан мукаммал таништиришга, бу ерда яратилаётган ранг-баранг миллий буюмлар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилишга муваффақ бўлган.

Сценарий автори О. Жалонова, оператор М. Ҳамидовлар билан ҳамкорликда яратилган картинада фабрика довругини ошираётган ранг-баранг совғабоп буюмлар қандай тайёрланаётганлиги, чевар ишчиларнинг шарафли ва машаққатли меҳнати манзаралари ҳаётий лавҳаларда акс эттирилган.

Саидботир Аҳмадҳўжаев раҳбарлигидаги авторлар коллективи эса «Ҳамид Қорабоев» ҳужжатли фильмини суратга олиб бўлди. Вячеслав Благов сценарийси асосида суратга олинган фильм ССРР Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган қурувчи Ҳамид Қорабоев ҳақида ҳикоя қилади. Томошабин кўз ўнгида 35 йилдан буён биноқорлик касбини улуғлаб келаётган машҳур қурувчининг меҳнат манзаралари, у бунёд этган ноёб бинолар бир-бир ўтади. Фильм авторлари Тошкентнинг янги архитектура комплекслари, турар жой микрорайонлари, осмонўпар бинолари қурилиши ҳақида, шунингдек, Ҳамид Қорабоевнинг меҳнат қаҳрамонликлари ҳақида мароқли ҳикоя қилишга муваффақ бўлишган.

Ҳ. ҒАФФОРОВ,
Х. ҚОСИМОВ.

СУНГГИ ТО КОЛОНКА

● НОДИР КАСБ

ЭГАЛАРИ

Москванинг деярли марказида, Белоруссия вокзали яқинида нодир касб эгалари меҳнат қилишади. Улар тулпорлар учун «кийим» ва «пойафзал» моделларини яратадилар. Бу — СССР Қишлоқ Хўжалиги министрлиги от-спорт жиҳозлари тажриба заводининг ходимларидир.

Шу ердан мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги отчопарлар ва от хўжаликларининг чавандозлари ва тулпорлари учун эгар-жабдуқ ва бошқа буюмлар етказиб берилади. Мана шу ёз кунларн тулпорларнинг «модалар уйи» тўла қувват билан ишлаяпти. Тайёр маҳсулотлар омборида: йилқичилик индустрияси учун мўлжалланган юзлаб турли буюмлар — тулпорларнн қашлаш учун мўлжалланган чўткалардан тортиб чиройли безатилган ҳар хил енгил аравачаларгача бор.

Бизнинг даврнмизда эгар-жабдуқ тайёрловчи усталар жуда кам. Завод нщчнси А. Салников ўз касбининг ветеранларидан бири. Уз вақтида у С. М. Будённийнинг истагига биноан эгар тайёрлаб берган эди.

● МИТТИ ТЕАТР

Ушбу театр спектакллари учун экран, проектор ва магнитофоннинг ўзи кифоя — бошқа зарур жиҳозлар портфелга сиғади. Тартуда яшайдиган Вамбола Маавара ана шу театрн билан Врагага жўнаб кетди. В. Маавара Эстонияда машҳур слайдлар театрининг муаллифидир. Республика «Билим» жамиятининг актнв аъзоси Маавараннинг ижодий ҳисоботн бу ерда «Кузгн оҳанг» спектаклининг премьераси билан бошланди. Ушбу спектакль Болтиқбўйи меҳнаткашларига бағишланган.

Вамбола Маавара спектакларининг қаҳрамонларн — мамлакатимизнинг турлн бурчакларида кстиқомат қнлаётган замондошларимиздир.

● ҚАЙСИ РАНГ ЯХШИ ДАВОЛАЙДИ!

Америкаининг Аризона штатн медик-олимлари дорнларининг рангн беморлар асабига таъсир этишнни аниқладилар. Масалан, қизғиш, сарнқ ёкн қора рангдаги таблеткалар, улардаги шифобахш моддалардан қатъий назар, беморларнинг маълум даражада қаршилигнга учрайди, кулранг ва тўқ қизил таблеткалар уларни хотиржам қнлади, оқ таблеткалар эса оғрнқни камайтирадн, деб ҳисоблашади мутахассислар. Клиник психофармокология институтининг илмий журналда берилган ушбу маълумотлардан медиклар даволаш самарадорлигини ошириш учун фойдаланишади, деб хабар қнлади Югославиянинг «Политикин забавник» журнали.

● САБР-ТОҚАТ НАМУНАСИ

Гугурт чўпларидан нималар ясалмаган, дейсиз! Мисол учун Польшадаги Калиш шаҳрида кстиқомат қнладнган Анжей Надера ўз квартирасининг шнпнни ана шу гугурт чўпларн билан безаб чиқди.

Газеталар унинг бажарган ишини сабр-тоқат ва ироданнинг намунаси деб атадилар. Анжей шпнни безаш учун 64 минг қутидаги гугурт чўпларидан фойдаланган. Бунинг устига у вақт ўтишн билан шиқастланмаслиги учун ҳар бнр чўпни аввал алангада бир оз қорайтирнб, сўнгра елим билан унн ёпиштирнб чиққан. У шу усулда етти ой давомида меҳнат қилдн. Охирида Анжей ўз «композицнясини» ялтироқ лак билан қопладн. Шип чиндан ҳам бетакрор манзарага кирдн.

● ТИНИБ-ТИНЧИМАС ПЕНСИОНЕР

Англиялик 60 ёшли кампир Брижит Вудмейсонни олти марта магазинга ўғрилнкка тушиш пайтида ушлаб олдилар. Маҳаллий маъмурлар ўғри пенсионерни қайта тарбиялашнинг кложи бўлмаганлигн муносабати билан унга жазо беришнинг оригинал йўлини топдилар. Икки йил давомида Вудмейсон ишлаш мумкин, деб хабар берадн янглиз газетаси «Гардиан».



● *ШУНДАЙ ОДАМЛАР БОР БЎЛСИН*

Малоҳатхоннинг фазилати

Одатда, чиройли исм ҳам ҳусн, дейишади. Исми жисмига, ёшинса исми қалбига ярашган аёлларни учратсам дилим яйрайди. Малоҳат Абдураҳмонованинг исми ўзига жуда муносиб. Унинг меҳрасиз нигоҳида, кўзларию ҳаракатларида ажиб малоҳат бор. У ширин оиланинг бекаси, меҳри дарё ота, адабиётшунос олима, ғамхўр раҳбар ва актив жамоатчи, бир сўз билан айтганда бахтиёр коммунист.

Кўқон шаҳрида Усиб, улғайган Малоҳат адабиёт шайдоси бўлиб Тошкентга келди. Ўқиди, ўрганди, изланди, ҳалол меҳнат қилди. Узоқ йиллар атоқли шоир Собир Абдулла хонадонида ҳам фарзанд, ҳам шогирд бўлиб ҳамнафас, ҳамфикр яшади. Шоирнинг қанчадан-қанча асарлари ёзилишида шоҳид бўлди. Кейинчалик эса, устоз ижодининг тадқиқотчиси сифатида адабиёт фанига янги саҳифалар қўшди.

Малоҳат Абдураҳмонова ўз илмий фаолиятини Москвадаги Жаҳон адабиёти институти томонидан нашр этилган «Совет адабиёти» номли китоб учун ўзбек совет адабиёти хроникасини тузишда қатнашишдан бошлади. 1973 йилда «Собир Абдулла ижоди» мавзуида кандидатлик диссертациясини ёқлади. У илмий фаолияти давомида Собир Абдулла ижодини ўрганишни яна давом эттирди. «Замин ва замон», «Собир Абдулла» монографияларини ёзди. Автор Собир Абдулланинг ҳаёти ва ижодий йўлини ёритишга бағишлаб ёзган мазкур асарларида шоир ва драматург-нинг поэтик, драматик асарларидаги традиция ва новаторлик масалаларини ҳам-да адибнинг «Мавлоно Муқимий» романининг жанр хусусиятларини таҳлил этди.

Олима сермаҳсул шоир асарларининг тўрт томли жилдини нашр эттиришда фаол қатнашди. Мазкур томларга у ижодкорнинг ҳали эълон қилинмаган, шоир архивида сақланаётган айрим асарларини киритиб, китобхонларни ҳушнуд этди.

Малоҳат Абдураҳмонова жонкуяр коммунист, жамоат ишининг актив ижрочиси сифатида ҳам танилган. У кўпдан бери Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги Пушкин номли тил ва адабиёт институти партия ташкилотининг секретари. У Тошкент область XVIII ва XIX партия конференцияларининг делегати, меҳнаткашлар депутатлари район Советининг депутати сифатида фаоллик кўрсатди. Унинг хизматларини партия ва ҳукуматимиз яхши баҳолади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланди.

Ҳозирги кунда М. Абдураҳмонова ўзбек болалар адабиёти бўлимини бошқариб, адабиётимизнинг кам ўрганилган соҳаси— болалар адабиётшунослиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

С. ИРИСХЎЖАЕВА,
филология фанлари кандидати.

● КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«ОНАЖОНИМ, ШЕЪРИЯТ»

«Ўқитувчи» нашриёти таниқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжоновнинг «Онажоним, шеърият» номли китобини босмадан чиқарди. Ўзбекистон ССР Педагогика жамияти томонидан нашрга тайёрланган рисолада Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, исбтеъдодли шоирнинг шеъриятимизга ўткир ғоявий-бадиий таъсирчан шеърлар билан кириб келиши, шоир сифатида шаклланиши, ижодий камолатининг муҳим омилларини таҳлил этади. Олим Абдулла Орипов шеърияти ҳақида, унинг адабиётимизда катта қизиқиш билан кутиб олинган «Ленин», «Она сайёра», «Генетика», «Кўриқхона», «Ўзбекистон», «Юзма-юз» сингари шеър ва достонлари ҳақида фикр юритиб, бу асарларнинг фикр жозиба ва ҳароратини бугунги кун ўзбек шеъриятн ютуқлари билан қиёслайди. Китобнинг энг диққатга сазовор жойи шундаки, унда Абдулла Орипов ижодининг умумийсоний моҳияти, шоир шеъриятида муҳим ўрин тутган асарларнинг етакчи тенденциялари, услубий қонуниятлари, ғоявий концепцияси чуқур тадқиқ этилган.

М. Қўшжонов Абдулла Орипов шеъриятидаги поэтик метод ва услубий ўзига хосликка доир кузатишларини шундай талқин этади: «Абдулла Ориповнинг она-Ер, Ватан, халқ ҳақидаги шеърлари асосан кўтаринки руҳда, баъзи ўринларда романтик услубда битилган. Бироқ бу кўтаринкилик, романтика доим реал ҳаётга асосланган бўлади... Ҳақиқий санъаткор ҳар бир мавзу, ҳар бир ҳаёт масаласига янгича ёндошиши, уларнинг янги-янги қирраларини очиб бериши, ўзининг янги қарашлари-ю ҳали китобхонга нотаниш бўлган ҳис ва туйғулар ранг-баранглигини намойиш қилиши мумкин экан. Абдулла Орипов шеърлари бунинг далилидир».

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

САНЪАТ ВА МЕҲНАТ ИТТИФОҚИ

Санъат ва меҳнат иттифоқи бўйича ўтказилаётган маданий тадбирлар яхши анъанага айланмоқда. А. Навоий номидаги Ўзбекистон ССР академик Катта театри санъаткорлари Куйбишев район корхоналари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактабларнинг коллективлари билан ўтказаётган санъат ва меҳнат иттифоқи ойлиги ажойиб учрашувларга бой бўлмоқда. Ойлик театр санъаткорлари ижросидаги катта концерт программаси билан бошланган эди. Район меҳнат коллективлари «Тумарис», «Иоланта» спектакларини кўришиб, томошабинлар билан учрашув конференцияларида қатнашдилар. Конференцияда театр-нинг таниқли санъаткорлари саҳна асарларининг яратилиш тарихи, янгидан саҳналаштирилаётган асарлар ҳақида гапириб бердилар. Санъат мухлисларни ўзларини қизиқтирган ранг-баранг саволларга жавоб олишди. Театр ижодкорлари группаларга бўлинган ҳолда райондаги кўпгина меҳнат коллективлари ҳузурида ҳам бўлишмоқда. Санъат ва меҳнат иттифоқи ойлиги давом этмоқда. Томошабинларни янги ажойиб учрашувлар кутмоқда.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

● ҲАР ТЎҒРИДА

ЗАКАРПАТЬЕ ҚИРҒОВУЛЛАРИ

Закарпатье Хуст райoн ўрмон комбинатининг қирғовул қўриқхонасига одатдаги паррандачилик фабрикаларининг инкубаторларидан чиққан қирғовул жўжалари келтирилди. Ҳушманзара ўрмон ялангликгида жойлашган шу ғалати ферма паррандалари бирдан 3 мингтага кўпайди.

Қўриқхона вазифаси Карпат паррандаларини кўпайтиришдан иборат. Уч ойлик бўлган қирғовуллар ўрмонга қўйиб юборилади. Улар янги муҳитга тезда мослашмоқдалар.

Яқиндагина Карпатда қирғовул йўқолиб кетиш хавфи бор эди. Энди бундай муаммо йўқ. Ўн йил ичида қўриқхонада 30 мингтадан кўп қирғовул етиштирилди ва улар Карпатдаги ҳамма областлар, РСФСР Ставрополь ва Краснодар ўлкаларининг овчилик хўжаликларига ҳуси бўлиб тушди.

Я. ЯДЛОВСКИЙ,
ТАСС мухбири.
УЖГОРОД.

3 Тошкент бет оқшоми
25 ИЮНЬ. 1984 й.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг Тошкент шаҳридаги 2-пойафзал фабрикаси базасидаги
149-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: бичувчи (пойафзал деталлари бўйича), **заготовщик** (пойафзалнинг устки деталларини тикиш), **пойафзални якка буюртма ҳолида тайёрловчи, саноат ускуналарига хизмат кўрсатувчи ремонтчи-слесарлар, ОТК контролерлари.**

Ўқиш муддати 1 ва 2 йил.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

8—9—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўрта маълумот билан билим юртига ўқишга кирганларга ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия берилади. 8-синф ҳажмида ўқишга кирганлар эса, давлат таъминотида бўлиб, кийим-бош ва кунига 3 маҳал овқат билан таъминланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган иш ҳақининг 50 проценти берилади. Билим юрти қошида кечки мактаб мавжуд. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига йўлланма билан юборилади.

Билим юртида қуйидаги тўгараклар мавжуд: тикиш ва бичиш, тўқиш, кино-фото, миллий чолғу-асбоблар бўйича ва спорт секциялари мавжуд.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, саломатлиги тўғрисида (286-форма) справка, 4х3 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, ўқиш ёки иш жойидан справка ёки характеристика.

Ҳужжатлар (якшанбадан ташқари) **барча кунларда соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Адресимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Домбробод массиви, Наққошлик кўчаси, 199-уй. Телефон: 76-77-45 (троллейбус 16, 123-автобуснинг «Домбробод» бекати, метронинг «Собир Раҳимов» станцияси.

124-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

1984—85 ўқув йили учун

СЕКРЕТАРЬ-МАШИНИСТКА, СЕКРЕТАРЬ-СТЕНОГРАФИСТКА, ИШ ЮРИТУВЧИ, ЧИЗМАЧИ-КОНСТРУКТОР, ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ОПЕРАТОРИ, ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ПРОГРАММИСТИ, ЎЙИН АВТОМАТЛАРИ МЕХАНИГИ.

Ўқиш муддати барча ихтисосликлар бўйича: 8 синфдан кейин 3 йил, 10 синфдан кейин 1 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар ойига 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: аттестат, (тўлиқ маълумот тўғрисида), 8 синфни битирганлар учун 8 синфни тугатганлик тўғрисида гувоҳнома; характеристика, 4 дона фотосурат (3х4 см.); справкалар: медицина (286-форма), турар жойидан, ота-онасининг бирортаси иш жойидан; паспорт, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, директор номига ёзилган ариза.

Адрес: Тошкент шаҳри, 84-алоқа бўлими, Киров райони, Хуршид кўчаси, 45-уй (14, 44, 56, 88-автобусларнинг «Семашко номли институт» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
129-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ОШПАЗ (миллий ва чет эл таомларини тайёрлай оладиган), ОФИЦИАНТ (чет тилини биладиган), ҚАНДОЛАТЧИ.

Ўқиш муддати — 2 йил.

ОШПАЗ, САНОАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ СОТУВЧИСИ.

Ўқиш муддати — 1—3 йил.

МЕВА-САБЗАВОТ СОТУВЧИСИ. Ўқиш муддати — 6 ой.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга ўрта маълумот билан кирганларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади, 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар эса бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганларга тўлиқ ўрта маълумот ҳақида диплом берилади.

Машғулотлар янги ўқув корпусида олиб борилади. Ўқув кабинетлари яхши жиҳозланган.

Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт секциялари ишлайди.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, характеристика.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700114, Тошкент шаҳри, Киров райони, Юнусобод массиви, 18-квартал (9, 49, 67, 83, 177-автобусларнинг «27-мактаб» бекати).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!
5-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун

Тошкент шаҳрида яшовчи ўрта маълумотлилар, 8-10-синфларни битирганларни қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭРКАКЛАР УСТКИ КИЙИМИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА, АЁЛЛАР УСТКИ КИЙИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА, АЁЛЛАР ЕНГИЛ КЎЙЛАКЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА, ТРИКОТАЖ КИЙИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА.

Ўқишга 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар 3 йил ўқийдилар ва ўрта маълумот ҳамда ихтисос эгаллайдилар. Улар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртига ўрта маълумот билан ўқишга кирганлар учун ўқиш муддати 1 йил. Уларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси давомида ўқувчилар ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Кирувчилар билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкалари, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат.

Билим юртида «касби бўйича энг яхши» конкурслари анъанага айланиб қолган. «Красная гвоздика» комсомол-ёшлар клуби ташкил этилган, шунингдек, техника ижодкорлиги тўгараклари, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларн ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар педсовет қарорига биноан Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кундузги бўлимига ўқиш учун йўлланма оладилар.


Билим юрти адреси: 700100, Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй (4, 7, 9, 14, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 14, 16-троллейбуслар; 2, 3, 40, 45, 50, 54, 57, 58, 77, 80-автобусларнинг «Театральная бекати). Телефонлар: 55-42-59, 55-39-83.

ИТЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида итларни сақлаш тўғрисида тасдиқланган тартибга мувофиқ
ПРОФИЛАКТИК ВЕТЕРИНАРИЯ ИШЛОВИ ВА РЕГИСТРАЦИЯНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТИ
30 ИЮНДА
ТУГАЙДИ

Белгиланган муддатда турар жойларда рўйхатда қайд этилиб, ветеринария шифохоналарида ишловдан ўтмаган барча
ИТЛАР
1 июлдан бошлаб
ОЛИБ КЕТИЛАДИ.

Тошкент шаҳар ветеринария-санитария станцияси.



ЭЛЕКТР ТРАНСПОРТИДА БЕМАЛОЛ ЮРИШ УЧУН

ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУС АБОНЕМЕНТЛАРИНИ БАРВАҚТ ЖАМҒАРИБ ҚЎЙИНГ

БУ АБОНЕМЕНТЛАРНИ ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУСЛАРНИНГ БЕКАТЛАРИДА ЎРНАТИЛГАН КАССА-АВТОМАТЛАРИДАН;

ДИСПЕТЧЕРЛИК ПУНКТЛАРИДАН;

«СОЮЗПЕЧАТЬ» КИОСКАЛАРИДАН;

БАРЧА САВДО ТАШКИЛОТЛАРИДАН

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН!

АБОНЕМЕНТ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА КИОСКАЛАРДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН БЎЛГАН ЙЎЛ КАРТОЧКАЛАРИ ҲАМ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚУЛАЙДИР.

Трамвай ва троллейбус салонларида абонементлар сотилмаслигини унутмангиз.

ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-58-50).



КИЧКИНТОЙЛАР ҚАНДАЙ ОЁҚ КИЙИМИНИ КИЯДИ?

АЛБАТТА ЧИРОЙЛИ КИЧИК ШИППАКЛАР.

БУ ШИППАКЛАР БОЛАЛАРНИНГ ЮГУРИШИ, САКРАШИ УЧУН ҚУЛАЙ.

ЯНГИЙЎЛ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ

БОЛАЛАРНИНГ АНА ШУНДАЙ ПОЙАФЗАЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.

КОРХОНАНИНГ КЎПГИНА БУЮМЛАРИГА ДАВЛАТ СИФАТ БЕЛГИСИ БЕРИЛГАН.

ПОЙАФЗАЛЛАРНИНГ БАҲОСИ — 3 сўм 30 тийиндан 10 сўм 85 тийингача.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ (телефон 41-54-21).

БАРЧА КАСБЛАР ЯХШИ

ЎЗИНГИЗГА МУНОСИБИНИ ТОПИНГ!

МАСАЛАН, СОТУВЧИЛИК КАСБИ ҲАМ ЭНГ МУНОСИБ.

Энг муносиб сотувчи бўлиш осон иш эмас. Бунинг учун харидорнинг руҳий ҳолатини яхши англай билиш, эътиборли, мулойим ва сезгир бўлиш тақозо этилади. Ана ўшандагина сенинг меҳнатинг инсонлар учун нақадар зарур ва керакли эканлигини яхши англайсан.

5-«ТЕХНИКА—ТУРМУШДА»
МАКТАБ-МАГАЗИНИ

СИЗНИНГ СОТУВЧИ БЎЛИШИНГИЗГА ЯҚИНДАН ЕРДАМ БЕРАДИ.

Ўқиш муддати—6 ой.

Машғулотлар пайтида ойига 63 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш вақти умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Мактабни тугатгандан кейин сизларга кичик сотувчилар ихтисослиги берилади ва «Ташхозторг»нинг магазинларида ишлаш учун юборилади.

1 йил ишлагандан кейин сиз, Тошкент Совет савдоси техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимида ўқишни давом эттиришингиз мумкин.

Мактаб-магазинига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: Тошкент пропискаси, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3 дона фотосурат (5х6 см.), турар жойидан справка, «Ташхозторг» директори номига ариза, йигитлар эса ҳарбий хизмат бўйича қайд этилганлик гувоҳномасини кўрсатадилар.




Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 24-уй—кадрлар бўлими. Телефон 91-59-53.

«ТАШХОЗТОРГ».

ХОНАДОНИМИЗ ЖУДА САЛҚИН!

КОНДИЦИОНЕР САРАТОН ЖАЗИРАМАСИДАН ҚУТУЛИШГА ЕРДАМ БЕРДИ!



Кондиционер фақатгина ҳавони совутиб қолмай, балки белгиланган температурани бир маромда сақлаб туради, бинони шабадалатади, кўчадан кириб келаётган ҳавони тозалайди, бундан ташқари йирик чанг-чунгларни ушлаб қолади.

КОНДИЦИОНЕРЛАР МАЪЛУМ КЕНГЛИКДАГИ МАЙДОНГА МЎЛЖАЛЛАНГАН:

БК-1500 (баҳоси — 325 сўм) — **25 квадрат метр ҳажмли майдондаги бинолар учун;**

БК-2000 — (баҳоси — 350 сўм) — **30 квадрат метр;**

БК-2500 — (баҳоси — 375 сўм) — **35 квадрат метр;**

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА МАИШИЙ КОНДИЦИОНЕРЛАРНИ НАҚД ПУЛГА ВА КРЕДИТГА СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

Адрес: Тошкент шаҳри, Охунбобоев майдони, 21-уй (18, 28, 31, 43, 46, 64, 91-автобуслар; 8, 18-троллейбуслар; 7, 8, 11, 15, 16-трамвайлар; 9, 13, 22-маршрут таксиларининг «ГУМ» ва «Хадра» бекатлари).

ГУМ (телефон 42-27-39).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-28).

ТВ

душанба

25 ИЮНЬ

● МТ I

18.05 «Қувноқ нотачалар».
18.20 «Поэзия». М. Лисянский.
18.45 «Ишлар ва одамлар». «Кренгольмская мануфактура» ипгазлама комбинати коллективининг кадрлар тайёрлашдаги тажрибаси ҳақида.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Футбол шарҳи».
19.55 Футбол бўйича Европа чемпионати. Ярим финал. Франциядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти С. В. Образцов билан Останкино концерт студиясида учрашув.
23.50 «Дунё воқеалари».

● Ўз ТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Умр ва қонун».
18.45 «Советский воин». Тележурнал (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Рангли тошлар». Манзарали фильм.
20.00 «Ниқобсиз сионизм». 1-кўрсатув (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дутор ва танбур тароналари». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Иванна». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05—18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.40 «Қарағайлик Поповлар». Телефильм.
19.00 «Қизиқувчилар экрани».
19.30 Врач маслаҳати.
19.45 «Ўрмон сирлари». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
20.30 «Ўзбек киноси усталари». С. Хўжаев (тақрорий).
21.30 МТ II

сешанба

26 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
10.25 «Даврлар оша». Телефильм премьераси.
10.40 «СССР музикали фольклори». Концерт.
11.10 «Унутма... Луговая станцияси». Бадиий фильм.
12.30 «Музей портрети». Телефильм.
12.55 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Изланиш маршрутлари бўйлаб». Телефильм.
15.35 Франческо Мизиано. «Интернационалист ҳаёти». Туғилган кунининг 100 йиллигига.
16.05 Болалар учун фильм. «Қувноқ воқеалар».
17.20 Мультфильм.
17.30 Урал Давлат рус халқ хори ижро этади.
18.15 «Буратино кўргазмаси».
18.45 Жаҳонда биринчи саноат атом электростанцияси (Обнинск) ишга туширилганлигининг 30 йиллигига бағишланган кўрсатув.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.50 «Ҳозирги давр ва ишчилар ҳаракати».
20.25 «Пора». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Джаз панорамаси». 2-кўрсатув.
22.50 Ю. Казаков. Ҳикоялар.
23.20 «Дунё воқеалари».
23.35 «Спорт ҳафталиги».

● Ўз ТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
18.50 «Илмий-техника тараққиёти — халқ хўжалигига» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Лола — тоғ гули». Телефильм.
19.55 «Ниқобсиз сионизм». 2-кўрсатув (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 Р. Қурбонов, М. Тожибоев, М. Ҳожиматова ижросида Ўзбек классик қўшиқлари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғўза парваришига — аъло сифат».

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

25 ИЮНЬ, 1984 й. Р—14082. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12